



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 5 декабрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 18 декабрда
маъқулланган

Кейинги йилларда фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш орқали бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бюджет жараёнларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси юзасидан ҳисобдорликни ва назоратни кучайтириш, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни, навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этишга ҳамда уни кўриб чиқишга, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудитдан ўтказишга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини кўриб чиқиш ва қабул қилишга, уларнинг ижросига доир ҳисоботларни кўриб чиқишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларни ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланмоқда.

Шунингдек бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинчалик харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишга, харажатлар сметасига йилига кўпи билан тўрт марта ўзгартиришлар киритишга доир тартиб бекор қилинмоқда.

Шу билан бирга рўйхатдан ўтказиш учун жамланма харажатлар сметаларини, жамланма штат жадвалларини ҳамда жамланма молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат молиявий назоратини ўрнатиш, шунингдек ушбу тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотлар туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларига ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилиши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун бюджет жараёнларини такомиллаштиришга, бюджет интизомига риоя этилишига доир масъулиятни оширилишига, шунингдек ҳисобдорликни ва назоратни кучайтириш орқали ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича шаффоф тизимни яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1,

1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233-модда) **175⁶-моддасининг номи ва диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«175⁶-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини ва жамланма штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва жамланма молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш

Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини ва жамланма штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва жамланма молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 3, 370-модда, № 4, 519, 520, 522-моддалар, № 6, 730-модда, № 8, 968-модда, № 10, 1152-модда) **357-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 3, 198-модда; 2021 йил, 4-сонга илова;

2022 йил, № 8, 787-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **13-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда, № 12, 1285-модда; 2025 йил, № 4, 516-модда, № 7, 831-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **29¹-модда** билан тўлдирилсин:

«29¹-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури лойиҳасини кўриб чиқиш

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиладиган лойиҳалар портфеллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили 1 июлга қадар Қонунчилик палатасига киритиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиладиган лойиҳалар портфели фракцияларда ҳамда Қонунчилик палатаси кўмиталарида муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиладиган лойиҳалар портфели фракциялар ва Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ўн кун ичида кўриб чиқилади ҳамда таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

2) 31-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳамда зарур материалларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳамда зарур материалларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан бирга, ушбу тезкор хулоса олинган кундан эътиборан икки кун ичида Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар фракцияларда ва Қонунчилик палатаси кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш давомида фракциялар ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ярим йиллик ҳисобот дастлабки тарзда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг фикрлари ва таклифлари, масъул кўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ҳамда ҳисобот Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар масъул кўмитанинг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда унинг қарори билан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

хузуридаги Божхона кўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорак якунлари бўйича эшитиб боради.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун белгиланган бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар раҳбарларининг ҳисоботлари Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталарида ҳар чорак якунлари бўйича эшитиб борилиши мумкин.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан бирга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижро этилиш ҳолати ҳақидаги ахборот Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталарига ҳар чорак якунлари бўйича маълумот учун киритиб борилади»;

3) **33⁵-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатасининг депутатлари навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури лойиҳасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўриб чиқишиш жараёнларида иштирок этиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда, № 10, 1080-модда, № 12, 1285, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 201-модда, № 10, 1155-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда:**

ўн бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин:

ўн олтинчи – қирқ тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи – қирқ саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат ташқи қарзи – давлат томонидан хориждан маблағлар жалб этилиши натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари йиғиндиси»;

йигирма биринчи – қирқ саккизинчи хатбошилари тегишинча **йигирма иккинчи – қирқ тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўттизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумий фискал баланс – Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ажратиладиган депозит, бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳамда уларнинг қайтарилиши ўртасидаги фарқни ўз ичига олган жамланма баланс»;

ўттиз олтинчи хатбошисидаги «умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар, йиғимлар ва давлат божлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қирқинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қирқ иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **қирқ бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети – бюджет тизими бюджетларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг барча тушумлари ва харажатлари ҳамда давлат ташқи қарзи ҳисобидан давлат дастурларига доир харажатлар бўйича тузиладиган бюджет»;

қирқ бешинчи – қирқ тўққизинчи хатбошилари тегишинча **қирқ олтинчи – эллагинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қирқ олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ғазначилик бўлинмалари – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғазначилик хизмати бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик хизмати бўлинмалари»;

қирқ тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«худудий иқтисодиёт ва молия органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари»;

2) 17-модданинг:

учинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг, шунингдек Давлат бюджетининг

ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини ҳамда янгилаб борилишини англатади»;

3) **18-модданинг иккинчи қисмидаги** «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **21-модданинг олтинчи қисмидаги** «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқларни, йиғимларни ва давлат божини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **25-модда:**

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига тақдим этиш шакллари белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш шакллари белгилайди»;

саккизинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **ўнинчи – ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи ва **ўн иккинчи хатбошилари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўтган молия йили учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни, шунингдек жорий молия йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади»;

ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари прогнозини чораклар ва ҳудудлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

б) 26-модданинг биринчи қисми:

тўртинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун белгиланган бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича ташқи аудитни ва баҳолашни амалга оширади ҳамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси тўғрисида тақдим этилган чораклик ҳисоботни Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан ҳамда бошқа электрон манбалардан олинган статистик, молиявий ва бошқа маълумотлар асосида таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш усули орқали амалга ошириладиган ўрганишлар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тезкор хулоса тақдим этади»;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **ўнинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошиси «маҳаллий бюджетларининг ижроси» деган сўзлардан кейин «ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 27-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси «шаҳарлар бюджетларини» деган сўзлардан кейин «ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳар чораклик ва йиллик ҳисоботларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқади ва тасдиқлайди»;

еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлар ҳамда йиғимларнинг ставкаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ва микдорлар доирасида белгилайди»;

8) 28-модда:

биринчи қисми:

тўртинчи хатбошиси «туманлар ва шаҳарлар бюджетлари» деган сўзлардан кейин «ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги» деган сўзлар «ижроси ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги чораклик ва йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳулосаси билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади»;

еттинчи – ўнинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли молия йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари прогнозининг ўз ҳудудига тегишли қисмининг чораклар ва туманлар (шаҳарлар) кесимидаги тақсимотини тасдиқлайди»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) 29-модда:

номидаги «Молия» деган сўз «**Иқтисодиёт ва молия**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «**Иқтисодиёт ва молия**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари прогнозининг чораклар ва ҳудудлар кесимидаги тақсимот лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади»;

еттинчи хатбошисидаги «тузиш ва тайёрлаш» деган сўзлар «**шакллантириш ва тузиш**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тақлифлари асосида ўзининг иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган

маблағларга 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади»;

ўн бешинчи хатбошисидаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқларни, йиғимларни ва давлат божларини, шунингдек солиқ бўлмаган тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбошиси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг йиллик ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўттиз иккинчи хатбошисидаги «шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 30-модда:

номидаги «молия» деган сўз «**иқтисодиёт ва молия**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси «туманлар ва шаҳарлар бюджетлари» деган сўзлардан кейин «ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошисидаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқларнинг, йиғимларнинг, давлат божларининг ва солиқ бўлмаган тўловларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда:

Давлат бюджети даромадлари прогнозининг чораклар ва туманлар (шаҳарлар) кесимидаги тақсимот лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига киритади;

бюджет ссудаларини беради»;

учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 31-модда:

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан иқтисод қилинган маблағлар доирасида бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ўзларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва улардан самарали фойдаланиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказиладиган мажлисларда иштирок этади ҳамда ушбу масалалар бўйича ҳисобот беради.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ташаббусига кўра, уларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилганда, зарур ҳолларда мазкур лойиҳа ташаббускорлари томонидан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади»;

иккинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) 32-модда:

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 33-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар, давлат божлари, солиқ бўлмаган тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **36-модданинг биринчи қисмидаги «мажбурий тўловлар»** деган сўзлар «йиғимлар, давлат божлари, солиқ бўлмаган тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **45-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан молия йили якунлари бўйича таҳлилий мақсадлар учун ҳамда бюджет тизими бюджетларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг барча тушумлари ва харажатларини (улар ўртасидаги трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда) ҳамда давлат ташқи қарзи ҳисобидан давлат дастурларига харажатларни ҳисобга олиб бориш учун тузилади»;

16) **46-модданинг биринчи қисми:**

тўртинчи хатбошиси «жамғармалари» деган сўздан кейин «маблағлари» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат ташқи қарзи ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар»;

17) **47-модда тўртинчи қисмининг:**

биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «1 июлгача» деган сўзлар «1 майгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **50-модданинг:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқлар, йиғимлар ва давлат божи, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар»;

олтинчи хатбошисидаги «кредитлар маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар» деган сўзлар «кредитлар маблағлари бўйича фоизли тушумлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **51-модда:**

1-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтариб берилган даромад солиғи суммаси чегирилган ҳолда)»;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) қўшилган қиймат солиғи (қонунчиликда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғининг ўрнини коплаш билан боғлиқ бўлган тўловлар чегирилган ҳолда)»;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадлар жумласига қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон

пуллари, компенсация тўловлари, жарима санкциялари ва белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан ва фойдаланишга беришдан олинган даромадлар, мерос, ҳадя ҳукуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент бўлган юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари ва чет давлатларга берилган кредитлар бўйича фоиз тўловлари, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) мустасно, маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва бошқа даромадлар кироди»;

20) 52-модда:

биринчи қисми:

1-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтариб берилган даромад солиғи суммаси чегирилган ҳолда)»;

9-бандидаги «давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **иккинчи ва учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

21) 61-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизмати, болалар тиббиёт муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда ижтимоий касалликларга (сил, буйрак етишмовчилиги, онкологик, руҳий, наркологик, эндокрин, мохов (лепра), юқумли, жинсий йўл билан юктириладиган, ОИТС) ихтисослашган тиббиёт муассасаларида – умумий харажатларнинг 10 фоизи миқдорида, республика ва вилоят даражасидаги бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида – умумий харажатларнинг 5 фоизи миқдорида бюджетдан ажратиладиган маблағлар»;

22) 65-модданинг:

биринчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 66-модданинг биринчи қисмидаги «Иқтисодиёт» деган сўз «Инвестициялар, саноат ва савдо» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **67-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Молия» деган сўз «Инвестициялар, саноат ва савдо» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **68-модданинг иккинчи қисмидаги** «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **70-модда:**

биринчи қисми:

1-банди қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оилаларга тўланадиган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам»;

3-бандининг еттинчи хатбошисидаги «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш» жамғармаси орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8-бандининг:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи – ўнинчи хатбошилари тегишинча **учинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошисидаги «хизмат кўрсатиш» деган сўзлар «фоиз тўловлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

27) **71-модда:**

биринчи қисми:

1-бандининг:

иккинчи хатбошисидаги «муассасаларини» деган сўз «муассасалари ва ташкилотларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш марказларини ҳамда ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларини, қон қўйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти филиалини, ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасаларини ҳамда ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонунчиликда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«туман тиббиёт бирлашмаларини, туман марказий поликлиникаларини ва ётоқ жойсиз диспансерларни, туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларини, оилавий поликлиникаларни ҳамда қишлоқ врачлик

пунктларини, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларини сақлаб туриш харажатлари»;

бешинчи – ўнинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи – ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбошисидаги «кам таъминланган оилаларга тўланадиган ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4-банди қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаб туриш харажатлари»;

қуйидаги мазмундаги **8, 9 ва 10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«8) адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш харажатлари;

9) кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқларини ва қозонхона ускуналарини мукамал таъмирлаш харажатлари;

10) давлат қарзи бўйича фоиз харажатлари ва давлат кафолатини бажариш билан боғлиқ бошқа харажатлар»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

28) 72-модда:

1-бандининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар (шаҳарлар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларини, умумий ўрта таълим, кўшимча таълим муассасалари ва ташкилотларини сақлаб туриш ҳамда қонунчиликда туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари»;

бешинчи хатбошисидаги «туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари тасарруфидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошисидаги «кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-бандининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар ва шаҳарлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларини, лабораторияларни сақлаб туриш»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

29) 73-модданинг:

олтинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда тегишли ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 84-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 85-модданинг учинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) 89-модданинг иккинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) 90-модда:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«умумий фискал баланс прогнозларини»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар йили 15 апрелга қадар ўрта муддатли давр учун камида иккита сценарийдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозининг дастлабки баҳоси ишлаб чиқилади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – олтинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар, шунингдек идоралар томонидан – ҳар йили 15 майга қадар амалдаги солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли давр учун Давлат бюджетига солиқ ва божхона тушумларининг прогнозлари бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади»;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) 90¹-модданинг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) 90²-модда:

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) 91-модда:

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича бюджет сўровларини кўриб чиқади»;

37) 92-модда:

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ҳамда жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозлари – жорий йилнинг 15 августига қадар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга – жорий йилнинг 20 августигача тақдим этади»;

тўртинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ёзма билдиришларини олганидан кейин уч иш куни ичида мазкур ёзма билдиришларда кўрсатилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган бюджет сўровларини тақдим этиши шарт»;

38) 93-модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июлидан кечиктирмай;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жорий йилнинг 1 августидан кечиктирмай тақдим этилади»;

39) **94-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «давлат солиқ инспекциялари» деган сўзлар «солиқ инспекциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «давлат солиқ бошқармалари» деган сўзлар «солиқ бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **95-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) **97-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади»;

42) **99-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари иштирокида муҳокама қилинади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

43) **100-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) 102-модданинг:

учинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) 103-модданинг:

учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг келгуси молия йил учун йиллик жамланма харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда жорий йилнинг 20 декабрига қадар тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг келгуси молия йил учун харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан жорий йилнинг 25 декабрига қадар тасдиқланади»;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини, бюджет маблағларини тақсимловчининг келгуси молия йил учун жамланма харажатлар сметаларини тасдиқлаш жорий молия йилининг 20 декабридан кечиктирмай амалга оширилади»;

46) 104-модда чиқариб ташлансин;

47) 105-модданинг иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) 106-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотининг штат жадвали 1 декабрь ҳолатига кўра ҳар бир бюджет ташкилоти бўйича мазкур ташкилот учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича тузилади»;

бешинчи қисмидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш

ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотларининг келгуси молия йили учун штат жадвалларини тасдиқлаш жорий молия йилининг 20 декабридан кечиктирмай амалга оширилади»;

49) 107-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкилотларнинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда келгуси молия йил учун тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари улар иқтисодиёт ва молия органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга киритилади»;

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «1 апрелигача» деган сўзлар «25 декабригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларида» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимларида» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) 108-модданинг:

иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини келгуси йил учун тасдиқлаш жорий йилнинг 20 декабридан кечиктирмай амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича келгуси йил учун тасдиқланган харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан жорий йилнинг 25 декабридан кечиктирмай амалга оширилади»;

51) 109-модда:

бешинчи қисмининг биринчи жумласидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

52) **110-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги «Молия»** деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

53) **111-модданинг:**

номидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ғазна ҳисобварағи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, унга бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва бошқа тушумлари киритилади ҳамда ундан мазкур бюджетларнинг харажатлари тўланади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳамда бошқа банкларда ўзга банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга»;

учинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

54) **112-модда:**

бешинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмининг ўн олтинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

55) **113-модданинг иккинчи қисмидаги «Молия»** деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56) **114-модданинг:**

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

57) **115-модданинг матнидаги** «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

58) **116-модданинг:**

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

59) **118-модда:**

иккинчи қисми «ажратмаларнинг нормативлари» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунида ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари» деган сўзлар «Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар қонунчиликда Давлат бюджетига ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса (бундан ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно), бу турдаги даромадлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушум суммаларини қайтариш уларни қайтариш вақтида амалда бўлган ажратмаларнинг нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан амалга оширилади»;

олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

60) **119-модда:**

биринчи қисми:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

куйдаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан камайтирилиши натижасида мақбуллаштирилган маблағлардан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан қўшимча аниқланган даромадлардан республика бюджетига ундирилган маблағлардан»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

куйдаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси, тегишли бюджет даромадларини ундиришга ваколатли органлар ўртасида расмийлаштириладиган солиштирма далолатномаларга асосан Давлат бюджети даражалари кесимида алоҳида аниқланади.

Ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар тегишли молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида шаклланган қўшимча манбалар микдори тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан биргаликда тасдиқланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борилади»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар, йиғимлар, давлат божлари ва солиқ бўлмаган тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «учинчи қисмида» деган сўзлар «бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61) **120-модда:**

тўртинчи қисми 1-бандининг:

иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи ва учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида бюджетдан ажратилган маблағларнинг ортиқча режалаштирилганлиги аниқланган маблағлар, штат бирликлари тўлдирилмаганлиги, шунингдек тармоқ, штатлар ва контингентлар бўйича режа бажарилмаганлиги натижасида бўшаб қоладиган маблағлар иш ҳақи ва нафақалар миқдорини, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади»;

62) 122-модда ўнинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқларни, йиғимларни, давлат божларини ва солиқ бўлмаган тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

63) 125-модда:

биринчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ягона ғазна ҳисобварағининг вақтинча бўш турган маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун жалб қилиниши мумкин.

Ягона ғазна ҳисобварағининг вақтинча бўш турган маблағларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун жалб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

64) 126-модданинг:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган тадбирларни» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг биринчи жумласидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

65) 127-модда:

биринчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг биринчи жумласидаги «Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

66) 128-модда:

биринчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин

иккинчи қисмининг биринчи жумласидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

67) 129-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «(бундан «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

68) 130-модда:

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўтган молия йилида амалда бўлган солиқлар, йиғимлар ва давлат божлари, шунингдек солиқ бўлмаган тўловларни тақсимлаш нормативлари сақлаб қолинади»;

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари йил бошлангунига қадар қабул қилинмаса, бошланаётган молия йилида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ўтган молия йилининг охириги чорагидаги ажратилган маблағлар доирасида харажат қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

69) 131-модданинг еттинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

70) 134-модда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«134-модда. Бюджетлараро трансфертлар»;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг» деган сўзлар «солиқларнинг, йиғимларнинг, давлат божларининг ва солиқ бўлмаган тўловларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Бюджетлараро трансфертларни молиялаштириш тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан амалга

оширилади, ушбу маблағлар ўтказиб берилган бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларини шакллантириш манбаси ҳисобланмайди.

Бюджетлараро трансфертлар тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таркибига киритилмайди, уларнинг ҳисоби алоҳида юритилади ҳамда улар Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Бюджетлараро трансфертларни ҳисобга олиш тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатларида алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилган ҳолда амалга оширилади»;

учинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

71) 136-модданинг:

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

72) 138-модданинг учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

73) 140-модданинг:

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«даромадлар тушумлари ва харажатларни амалга ошириш ўртасида кутилаётган вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун – тегишли молия йили якунигача бўлган муддатга фоизсиз асосда ҳамда бир молия йилидан ортиқ муддатга йиллик икки фоизли микдорда берилади»;

бешинчи қисмидаги «Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «худудий молия органлари ва давлат солиқ бошқармалари» деган сўзлар «худудий иктисодиёт ва молия органлари ҳамда солиқ бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари» деган сўзлар «иктисодиёт ва молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иктисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи қисмидаги «молия органи ва бюджет ссудасини олувчи молия органи» деган сўзлар «иктисодиёт ва молия органи ва бюджет ссудасини олувчи иктисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

74) 142-модда:

биринчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларни ҳисобга олган ҳолда баланслаштирилган бўлиши лозим»;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси «бюджетлар маблағлари» деган сўзлардан кейин «ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг мол-мулки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

75) 143-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари прогнозининг ошириб бажарилиши ҳисобидан тушган маблағлар бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари прогнозининг ошириб

бажарилиши, электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни реализация қилишдан ушбу бюджетларга тушган маблағлар ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан харажатлар тегишли бюджетларга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

учинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари ва харажатларига тасдиқланган бюджетлар доирасида унинг ижроси жараёнида қонунчилик ҳужжатлари асосида ўзгартиришлар киритиш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида ҳисобга олиб борилади»;

76) 145-модда:

биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган қайта тақсимланадиган маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни, шунингдек Давлат мақсадли жамғармаларига, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади. Бунда қайта тақсимланган маблағлар ҳисобидан маблағларни йўналтириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

учинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда;

10 фоиздан кам миқдорда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан амалга оширилади»;

77) **147-модданинг иккинчи қисмидаги** «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

78) **148-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

79) **149-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

80) **150-модда:**

биринчи қисми:

биринчи хатбошисининг иккинчи жумласидаги «бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан харажатлар сметасига йилига кўпи билан тўрт марта киритилади ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотининг штат жадвалига киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича тегишли иқтисодиёт ва молия органида рўйхатдан ўтказилиши лозим, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно»;

81) **152-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат томонидан жалб қилинган маблағлар тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларини шакллантириш манбалари ҳисобланмайди.

Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича асосий қарз тўловларини молиялаштириш тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобидан амалга оширилади ҳамда тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатларида алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

Давлат қарзининг ҳисоби алоҳида юритилади ва Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади»;

82) 154-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

83) 155-модданинг:

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

84) 156-модда:

биринчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан эмиссия қилинган давлат ғазначилик облигацияларини жойлаштиришда»;

85) 157-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда ушбу берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва кредитлар тегишли ҳисоботларда алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади»;

86) 158-модданинг:

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

87) 159-модданинг биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

88) 161-модда:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ҳисоби ва бюджет ҳисоботининг ягона услубияти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ушбу Кодекс, бюджет ҳисобининг стандартларига, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Бюджет ҳисобининг стандартлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иқтисодиёт ва молия органлари»;

89) **162-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «ҳисобот» деган сўз «йиллик ва чораклик ҳисоботлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

90) **163-модда:**

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳокимликларининг молия бўлимларига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «молия органларига молиявий ҳисоботларни улар белгилаган муддатларда, лекин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органларига молиявий ҳисоботларни улар белгилаган муддатларда, лекин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли иқтисодиёт ва молия органларига молиявий ҳисоботларни улар белгилаган муддатларда, лекин юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органи томонидан белгиланган муддатлардан кечиктирмай тақдим этади»;

ўн биринчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

91) **164-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар солиқ инспекциялари тегишли туманлар ҳамда шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимларига ҳисобот даври учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, шу жумладан ихтисослаштирилган бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт

ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига ҳисобот даври учун солиқлар, йиғимлар, давлат божлари ва солиқ бўлмаган тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобот даври учун солиқлар, йиғимлар, давлат божлари ва солиқ бўлмаган тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Солиқлар, йиғимлар, давлат божи ва солиқ бўлмаган тўловларнинг ҳисобланиши ва тушуми тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар ҳамда муддатларда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тушумлари тўғрисида ҳисобот тақдим этади»;

92) **165-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«165-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги
йиллик ҳисобот**

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот қуйидаги ҳисобот шакллари ўз ичига олади:

Давлат бюджети ижросининг балансини;

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат қарзи тўғрисидаги ҳисоботни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тузади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

Давлат бюджети даромадларининг солиқ турлари ва ҳудудлар кесимидаги ижроси;

фойдаланилган солиқ имтиёзларининг турлари ва миқдори;
худудлар кесимида солиқ қарзи ва ортиқча тўловлар;
Давлат бюджети харажатларининг соҳалар ва худудлар кесимидаги ижроси;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағлар ижроси;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумот;

юқори бюджетдан қуйи бюджетларга, давлат мақсадли жамғармаларига ажратилган трансфертлар, шу жумладан бюджет ссудалари»;

93) қуйидаги мазмундаги **165¹** ва **165²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«165¹-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни тузади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларга қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

Давлат бюджети даромадларининг солиқ турлари ва худудлар кесимидаги ижроси;

фойдаланилган солиқ имтиёзларининг турлари ва уларнинг миқдори;
худудлар кесимида солиқ қарзи ва ортиқча тўловлар;

Давлат бюджети харажатларининг соҳалар ва худудлар кесимидаги ижроси;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағлар ижроси;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумот;

юқори бюджетдан куйи бюджетларга, давлат мақсадли жамғармаларига ажратилган трансфертлар, шу жумладан бюджет ссудалари.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг 10-санасига қадар тақдим этади.

**165²-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий
бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот**

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун тегишли бюджет даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботи куйидагиларни ўз ичига олади:

бюджет ижросининг балансини;

бюджет даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;

бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқларга, штатларга ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг номолиявий активлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун тегишли бюджет даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот куйидагиларни ўз ичига олади:

бюджет даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни.

Туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик хизмати бўлинмалари тегишли туманлар ҳамда шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимларига туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари ҳисобот даври учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органларига – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралигача;

тегишли ҳокимликларга – туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни юқори турувчи Иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этилганидан кейин бир иш куни ичида тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғазначилик хизмати бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига тақдим этади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан тегишли бюджетларнинг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 февралигача Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига;

маҳаллий бюджет ижросининг бориши тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганидан кейин бир иш куни ичида тақдим этади;

б) ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига – ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим

этилганидан кейин бир иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ҳамда тегишли ҳокимликларга тақдим этилади»;

94) 166-модда:

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «ҳисобот» деган сўз «йиллик ҳисобот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «бюджетлари даромадларининг» деган сўзлар «бюджетларининг даромадлари ва харажатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошисидан «миллий ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошисидаги «жамғармаларини тақсимловчи органлар» деган сўзлар «жамғармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларининг чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасига қадар»;

учинчи хатбошисидаги «1 апрелига» деган сўзлар «10 февралига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг 10-санасига қадар;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартига қадар тақдим этади»;

95) 166¹-модданинг:

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бюджет» деган сўзлар «Бюджет» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар ўз расмий веб-сайтларига ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маълумотни ушбу модданинг биринчи – саккизинчи қисмларида кўрсатилган тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

96) 24-боб қуйидаги мазмундаги **166²-модда** билан тўлдирилсин:

**«166²-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган
бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот**

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан молия йили якунларига кўра шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартигача тақдим этади»;

97) 167-модданинг биринчи – бешинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 мартига қадар юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги йиллик ҳисоботни ташқи аудит ўтказиш

ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 мартига қадар юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир хулосани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир тегишли хулосаларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан биргаликда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан биргаликда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 15 майидан кечиктирмай тақдим этади»;

98) қуйидаги мазмундаги **167¹-модда** билан тўлдирилсин:

«167¹-модда. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига баҳолаш учун ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг 15-санасига қадар юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларга доир тезкор хулосани ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чоракдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги чораклик

хисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан бирга, тезкор хулоса олинган кундан эътиборан икки кун ичида тақдим этади»;

99) **168-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудити натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари иштирокида муҳокама қилинади»;

100) **169-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«169-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган
бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик
ҳисоботни, шунингдек Давлат бюджетининг
ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг
ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни
кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳамда зарур материалларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳамда зарур материалларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан бирга, ушбу тезкор хулоса олинган кундан эътиборан икки кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети даромад

қисмининг ижроси, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ярим йиллик ҳисобот дастлабки тарзда муҳокама қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фикрлари ва таклифлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ҳамда ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чоракдаги ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда унинг қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорак якунлари бўйича эшитиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ўзларига ажратилган бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чоракдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси томонидан тасдиқланганидан кейин уч иш куни ичида тегишли ҳисоботларга доир ахборот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

101) **171-модданинг биринчи қисмидаги «Молия»** деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

102) **173-модда иккинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «ғазначилик бўлинмалари молия органлари ва» деган сўзлар «ғазначилик бўлинмалари, иқтисодиёт ва молия органлари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «ғазначилик бўлинмалари, молия органлари ва» деган сўзлар «ғазначилик бўлинмалари, иқтисодиёт ва молия органлари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

103) **174-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг йиллик ҳисоботни, шунингдек Давлат бюджетининг биринчи чоракдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни ташқи аудитдан ўтказишни ҳамда баҳолашни»;

ўнинчи – ўн учинчи хатбошилари тегишинча **ўн биринчи – ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбошисидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

104) **175-модданинг:**

номи ва биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«175-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари ўз ваколатлари доирасида»;

иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

105) **177-модданинг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдоларининг тўғри ўтказилиши;

ҳисобот йили яқунлари бўйича жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат молиявий назоратини амалга оширади»;

106) 187-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ижро этиш навбатларига риоя қилмаслик»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

107) 190-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«190-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини ва жамланма штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва жамланма молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш

Иқтисодиёт ва молия органларига бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини ва жамланма штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва жамланма молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини ва жамланма штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва жамланма молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузишдир».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **7-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳамда зарур материалларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чорақдаги, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳамда зарур материалларни Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан бирга, ушбу тезкор хулоса олинган кундан эътиборан икки кун ичида Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чоракдаги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар фракцияларда ва Қонунчилик палатаси кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш давомида фракциялар ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ярим йиллик ҳисобот дастлабки тарзда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади. Уни кўриб чиқиш вақтида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг фикрлари ва таклифлари, масъул кўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ҳамда ҳисобот Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи чоракдаги ва тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар масъул кўмитанинг мажлисида кўриб чиқилади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорак якунлари бўйича эшитиб боради.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун белгиланган бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар раҳбарларининг ҳисоботлари Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталарида ҳар чорак якунлари бўйича эшитиб борилиши мумкин.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан бирга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижро этилиш ҳолати ҳақидаги ахборот Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталарига ҳар чорак якунлари бўйича маълумот учун киритиб борилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 7, 539-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **24-модда:**

тўққизинчи хатбошисидаги «Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботлар юзасидан тезкор хулосани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади»;

3) **30-модда:**

ўнинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботлар юзасидан тезкор хулоса тайёрлайди»;

ўн биринчи – йигирма учинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **35¹-модда** билан тўлдирилсин:

«35¹-модда. Тезкор хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижросининг чораклик ҳисоботларини Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими ва бошқа электрон манбалардан олинган статистик, молиявий ҳамда бошқа маълумотларни ўрганиш асосида Ҳисоб палатаси тезкор хулоса тайёрлайди».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган «**Давлат қарзи тўғрисида**»ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 10, 1081-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) **36-моддасининг тўртинчи қисмига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 25 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–982-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 10, 1081-модда) **39-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури лойиҳасини Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади»;

иккинчи – ўн иккинчи қисмлар тегишинча **учинчи – ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 5-моддаси 5-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига тақдим этиш шакллари ушбу Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ичида белгиласин;

ушбу Қонун 5-моддаси 5-бандининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш шакллари ушбу Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ичида белгиласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 8-моддаси 2027 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 25 декабрь
№ ЎРҚ–1107